

DIRECTIONS OF DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT IN THE REPUBLIC

Otaboev Nodirbek Oybek ugli

Assistant of the Department of Digital Economy and
Information Technology, Faculty of Digital Economics,
Tashkent University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

ABSTRACT

The article was about the development of the digital economy in our country.

Keywords: digital economy, development, skills, business, banking.

**РЕСПУБЛИКАДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

Отабоев Нодирбек Ойбек ўғли

Тошкент иқтисодиёт университети, Рақамли иқтисодиёт факультети, Рақамли
иқтисодиёт ва ахборот технологиялар кафедраси ассистенти

Аннотация: мақолада мамлақатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида гап борган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ривожлантириш, малака, бизнес, банкинг.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада? Масалан, харидорга кийим керак. Уни бозоргатушиб ўзи бевосита танласа ва нақдпулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти ёки канал орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш (**payme,click, paynet, qiwi, webmoney,visacard...**) ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Буянги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;

CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалади).
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
4. Фидбек (истеъмолчи фикри) ни тезолиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ, Яққол мисол.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бизга нима беради?

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий қушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари мавжуд. Улар ҳақида янада батафсил маълумот олиш тавсия қилинади.

Рақамли технологиялар – глобал ҳодисадир. Улар янги, ижтимоий ўзаро иш кўриш (шахсий амалиётдан алоҳида ижтимоий гуруҳлар, миллий ва минтақавий ҳамжамиятларни ривожлантиришга тааллуқли амалиётларгача) фойдаланиш имкониятини берган универсал ахборот-коммуникация муҳитини шакллантирди. Ушбу технологиялар инсон ҳаёти барча соҳаларини тўлиқ қамраб олган ҳолда бизнес юритиш учун янги имкониятлар ҳам пайдо қилди. Ҳар бир корхона учун рақамлаштириш, кичик корхонадан бозор гигантларигача уларнинг рақобатбардошлиги ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш омилига айланди. У бозор бизнесини ижтимоийлаштиришнинг зарур шартига айланиб, иқтисодий ривожлантириш кўламларини кенгайтди, айти пайтда янги даъватлар ва муаммоларни туғдирди.

Рақамли иқтисодиётнинг ижобий самаралари (рақамли дивидендлар) жуда хилма-хил вава улар йирик компанияларнинг тадқиқотларида тақдим этилган. Аммо иқтисодий ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан рақамлаштиришнинг жуда муҳим мультипликатив самарасига эътиборни қаратиш зарурдир. Бизнесни ривожлантиришнинг жуда кўп анъанавий йўланишлари – ҳаражатларни камайтириш, харидорлар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик шакллари тақомиллаштириш, инновацияларга инвестициялар киритиш рақамли технологияларни жорий этишда принцип жиҳатидан янги, шу жумладан қўшимча қиймат олиш имкониятини ўзгартирадиган ва кўпайтирадиган бизнес моделлар орқали амалга оширилади. Ўзибевосита ана шу рақамли иқтисодиётни ташкил этади, у аввалги иқтисодиётлар ўрнига келаётгани йўқ, аксинча янги инновацивий ўзгаришларни ва бозорларни кенгайтиришни шакллантиради.

Таркибий ўзгаришлар маъносида, биринчи навбатда, рақамли технологияларни жорий этишнинг муҳим истиқболли йўналиши сифатидаги меҳнат бозорида ашёлар интернет (Internet of Things – IoT) ва унинг сегменти-саноат интернетидан (Industrial Internet of Things – IIoT) фойдаланилади. Уларни жорий этиш операция ва ахборот технологияларини ўзаро интеграциялашган очиқ тизимларга айлантиради. Бунда ягона ахборот майдонига барча ишлаб чиқариш занжирлари – маҳсулотларни ишлаб чиқишдан сотиш ва унга хизмат қилишгача бўлган жараёнлар капитал ҳаражатлар ва иш кучига камайрилиши ҳисобига самарадорлик ортишини таъминлайди. IIoTларни жорий этиш корхоналарга бекор қилиб туришларини 10 %га камайтириш, шунингдек техник хизмат кўрсатишга ҳаражатларни камайтириш, жиҳозлардан воз кечишнинг олдини олиш имкониятини бериш ҳисоблаб чиқилган.

Рақамли иқтисодиётда меҳнат муносабатларини ривожлантириш доимий ходимларни вақтинчалик ижрочилар билан алмаштиришга олиб келади, бунда ишларнинг кўпгина турлари корхона ва ҳатто миллий чегаралардан минглаб километр узоқликда бажарилиши бўлди. Кейинги йилларда штатда бўлмаган ходимлар – фриланслар сони тез ортаётгани одатий ҳолга айланмоқда. Жумладан, фақат АҚШда ҳозирнинг ўзида фриланс тартибда, шу жумладан ўриндошлик асосида ҳам ишлаётганлар сони 57,3 миллион кишига етди, бу мамлакатдаги иш билан бандларнинг 36%ни ташкил этади.

Рақамли иқтисодиётда фақат меҳнатнинг хусусияти эмас, шунингдек меҳнат муносабатларининг бутун тизими ўзгаради. Агар анъанавий иқтисодиётда ходим ва иш берувчи ўртасида вертикал иқтисодий алоқалар (бошқариш – бўйсунуш) мавжуд бўлса, рақамли секторда раҳбар энди бошлиқ эмас балки кўпинча узоқ масофадан туриб одамлар ишини мувофиқлаштирадиган ходимдир. Тегишли равишда вертикал алоқалар горизонтал алоқалар билан алмашади, бунда ходимнинг компания раҳбариятига боғлиқлиги жиддий равишда бўшаши.

Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда миллий ва халқаро даражаларда бизнес кўламларини кенгайтириш учун корхоналарга эндиликда техникавий, ишчанлик, шахслараро ва ижодий кўникмаларга эга бўлган ходимлар талаб қилинади. Ана шундай шароитларда аввалги кўникмалар етарли эмас, эндиликда ходим ишчанлик ва шахслараро муносабатлар сифатларига ҳам эга бўлишлари керак. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ёки хизматлар кўрсатиш учун замонавий техникавий

кўникмалар етакчилик кўникмалари билан бойитиладиган (C-suite тадбиркорлик даражаси), махсус рақамли технологияларни бошқаришга мос бўлган ходимлар керак. Сўнгги пайтларда иш берувчилар учун ходимликка номзодларнинг «эгиловчан кўникмалари» (softskills): шахсий сифатлар ва ижтимоий кўникмалар, масалан жамоада ишлаш, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, танқидий фикрлаш, ўзини-ўзи бошқариш, мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодирлик, турли одамлар билан ҳамкорликда ишлаш, устуворликларини тўғри аниқлаш талаб қилинади.

Умуман, рақамли иқтисодиёт шароитларида кадрларни танлаш жараёни ҳам ўзгармоқда. Прогнозлар бўйича яқин келажакда ходимларни бошқариш бўйича мутахассис катта маълумотлар базаси билан иш олиб борадиган ва ҳал қилувчи қарорларни қабул қиладиган таҳлилчидир. Интернетдаги очиқ манбалар орқали маълумотларни тўплаш эса робот томонидан амалга оширилади. Staforу стартапи бугунги кундаёқ иш ёлловчиларнинг ўрнини тўла эгаллаб бўлди: сунъий интелект рекрутинг сайтлари, ижтимоий трамоқлардан номзодлар тўғрисида маълумотларни олади, улар билан дастлабки алоқани амалга оширади, ушбу номзодлар билан суҳбатлашади, ёллаш бўйича тавсиялар тайёрлаб, уни компаниянинг кадрлар хизматига беради.

Иқтисодиётнинг рақамлаштириш шароитларида меҳнат бозори ривожланишининг икки йўналишини таҳлил этиши мумкин. Биринчиси – ижобий ва рақамли иқтисодиётда меҳнат бозори ижодкор, фикрлашга қодир одамларга эҳтиёжни ҳис этади. Ишлаб чиқариш асосан эндиликда одамларга муҳтожлик сезмайди, бироқ улар инсонга йўналтирилган хизматлар учун зарур бўлади. Кўпинча роботлар яқин келажакда ижод, ихтиро, лойиҳалаш, дастурлаш ва ўзларига хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир бўлмайди. Робот техникасини онлайн бошқариш технологияси ривожланиб боради, бунинг учун кўп миқдорда онлайн операторлар талаб қилинади.

Шу тарзда ишлаб чиқаришга сунъий интелект ва роботларни жорий қилиш техник имкониятларни кенгайтириш сифатида кўрилади. Бундан ташқари рақамли технологиялар катта ёшдаги ходимлар ва имконияти чекланган шахсларга меҳнат бозорига самаралироқ интеграциялашиш имкониятига эга бўладилар. Роботлар эса асосан хавфли ва зерикарли ишларни бажаради. Одамлар ишдан бўш вақтлари ортишлари сабабли ҳордиқ чиқариш, ижод қилиш, инновацион хизматлар кўрсатиш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади. Таълим дастурларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва уларни давлат ёрдамида амалга ошириш анъанавий касблардан янгиларига ўтишни таъминлайди. “Рақамли аср” ходимлари маълумотни ишлаб чиқиш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга оширишни таъминлайди, ноёб билимлар яратади ва уларни бошқаради.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш натижасида ашёлар бир-бирари билан қалинроқ алоқада бўлади (ашёларнинг саноат интернет), одамлар ўртасида эса бегоналашиш кучайиб боради, деган салбий тахминлар ҳам бор. Оқибатда бу маҳсулот ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда иш билан банд бўлганларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айрим экспертларнинг фикрича, 2030 йилга бориб иш кучи сони жиҳатидан кам, ёши катта, таълими расмий бўлади. Бундан ташқари ҳозирги касбхунарларнинг 50% йўқ бўлади.

Ана шу прогнозларни тасдиқлаш ёки уни рад этиш учун рақамли иқтисодиётда меҳнат бозорининг глобал ўзгаришларини кўриб чиқайлик. Энг аввало, улар иқтисодиёт кўпгина

секторларини автоматлаштириш, рақамлаштириш йўналиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга кўпчилик тармоқларда рақамли технологияларнинг роли ортмоқда. Экспертларнинг фикрича, бу меҳнат бозори таркиби ҳамда алоҳида мутахассисларнинг иш билан бандлиги ўзгаришига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда Рақамли иқтисодиёт ҳаётимизнинг энг муҳим бўлагига айланиб бўлган. Биз рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун биринчи навбатда дастурий таъминотларни кўпайтиришимиз ва интернет сифатини оширишимиз керак.

REFERENCES

1. Кобилов, А. У., & Джурабоев, А. М. (2020). Технологии компьютерного дистанционного обучения. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 287-293.
2. Кобилов А. У., Ольховская, И. В. (2021). Инновации–форма управленческой деятельности государства и организаций. *Экономика и бизнес теория и практика*, 1(1), 173-178.
3. Зияев, Т. М., Ўринович, Қ. А., Ёқуб, Д. Т. (2019). Қулай инвестицион муҳит ва фаол инвестицион сиёсат–барқарор иқтисодий ўсиш омили. *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*, 2(10), 555-559.
4. Kobilov, A. U., Khashimova, D. P., Mannanova, S. G., Abdulakhatov, M. M. O. (2022). Modern Content and Concept of Digital Economy. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(2), 375-378.
5. Kobilov, A. (2021). The concept of digital economy, its features and prospects. *Архив научных исследований*, 2(1), 42-48.
6. Akhmedov, B. A. (2022). Analysis of the Reliability of the Test form of Knowledge Control in Cluster Education. *Psychology and Education*, 59(2), 403-418.
7. Ражабов, Ш. Б. (2016). Использование современных информационных и педагогических технологий в деятельности тренеров-преподавателей. *Актуальные проблемы физической культуры и спорта*, 424-426.
8. Kabilov, A., Rajabov, S. B., Urmanov, B. N. (2021). Problem of Optimum Control Connected with Environmental Problems. *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems*, 733-737.
9. Очиллов, С., Раджабов, Ш. Б., Омонов, А. А. (2021). Оптимизация времени прохождения нелинейной системы с параметром через область. *Современные проблемы дифференциальных уравнений и смежных разделов*, 1(1), 340-342.
10. Xashimxodjayev, S. I., Sadinov, A. Z., Rajabov, S. B. (2021). Methods of automation and management of waste recycling in the digital economy. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 3), 149-154.

11. Urinovich, K. A., Qobiljonovich, R. O., Baxtiyorovich, R. S., Abdulakhatov, M. M. (2021). Modern content and concept of digital economy. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 829-832.
12. Kobilov, A.U., Rikhsimboev, O.K., Rajabov, S. B. (2021). A global approach to assessing competitiveness digital economy. *Экономика и бизнес теория и практика*, 11-2, 115-119.
13. Кобилов, А. У., Тулаев, М. С., Ражабов, Ш. Б., Маматкодирова, Н. У. (2021). Правовая основа формирования цифровой экономики в республике узбекистан. *Экономика и социум*, 12(91), 96-104.